

# Xabar

33

(987)-son

19-avgust

www.xabar.uz  
info@xabar.uz

2011

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

## “Ўзбектелеком” АКнинг байрам соғғаси

Юртимиз истиқлолга эришгач, алоқа соҳаси ходимлари олдида мустақил мамлакатимизни жаҳоннинг исталган бурчаги билан боғлаш ҳамда Ўзбекистоннинг ҳар бир аҳоли масканини ишончли алоқа билан таъминлашдек муҳим вазифа қўйилди. Ана шу вазифани бажара бориб, ўтган 20 йил мобайнида “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси республикаimiz барча ҳудудларини ўз тармоғи билан қамраб олган телекоммуникациялар миллий оператори шарафига эришгунига қадар узоқ йўлни босиб ўтди.

UZTELECOM

UZMOBILE



2-бет

### Сўнгги янгилик!



Алоқа оламида:

Саутгемптон университети (Буюк Британия)нинг опто-электроника маркази олимлари ойна кристаллидаги атомлар жойлашишини ўзгартириб, уни рақамли хотира қурилмасига айлантиришди. Тадқиқотларга кўра, келгусида бу каби “кристалл хотиралар” винчестер ва флэш-сақлагичлар ўрнини эгаллаши мумкин.



### Ушбу сонда:

|                                                              |    |
|--------------------------------------------------------------|----|
| Замонавий телекоммуникация ҳуқуқий механизми такомиллашмоқда | 3  |
| Технический регламент как эффективный способ регулирования   | 6  |
| Энг оммавий 500 сайт                                         | 11 |
| Алоқачилар умумхалқ ҳашарида                                 | 15 |
| Хурлик билан ҳамқадам                                        | 16 |

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

Асрларга тенг йиллар: Андижон ва Жиззах вилоятлари

4-5-бетлар

**Umadan  
umagacha**

Шу йилнинг 23-24 август кунлари Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг тақлифига биноан давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади. Ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

2011 йил 12 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлисини шу йил 26-27 августда Тошкент шаҳрида қақариш ҳақида қарор қабул қилди.


Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда Республика Идоралараро комиссияси, унинг доимий фаолият кўрсатувчи таҳлилий ишчи гуруҳи аъзолари, Бош прокуратура ва тегишли идораларнинг масъул ходимлари иштирок этди.

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази томонидан энг фаол йигит-қизларни тақдирлаш мақсадида тантанали тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази фаолияти тизимида фаол қатнашиб келаётган ёшлар турли номинациялар бўйича тақдирланди.

Фарғона туманида вилоят халқ таълими тизими ходимлари, тажрибали устоз ва мураббийлар, ўқитувчилар ҳамда ёш педагоглар иштирокида анъанавий август кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда вилоятда янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш масалалари, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида олиб борилаётган ишларнинг самардорлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар атрофлича таҳлил этилди.

Жиззах вилояти Зомин тумани Ём қишлоғида "Ҳеч ким эътибордан четда қолмайди" мавзуида маданий-маърифий тадбир ўтказилди. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси қошида фаолият кўрсатаётган "Раҳбар аёллар" клуби томонидан ташкил этилган мазкур тадбир доирасида қишлоқдаги ногирон аёллар, "Ём мурувват уйи" даволанувчилари ҳолидан хабар олиниб, уларга совға-саломлар топширилди.

# "Ўзбектелеком" АКнинг байрам совғаси



Бугунги кунда компания ўз мижозлари ва ҳамкорларига замонавий технологиялар асосида қурилган телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиб, хизматнинг янги-янги турларини тақдим этмоқдаки, жойларда мустақиллик байрамига тўғра тарзида ташкил этилаётган янги савдо нуқталари — Ягона ойна марказлари ҳам уларнинг бири ҳисобланади.

Шу йилнинг 17 август кунини ана шундай марказлардан бири Бунёдкор шоҳқўчасида жойлашган "Ўзбектелеком" АКга қарашли бинода очилди.

— Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш жараёнида ўтган давр мобайнида қўлга киритган ютуқ ва натижаларимиз, мамлакатимизнинг салоҳияти ва қудрати, унинг халқаро майдонда нуфузи тобора юксалиб бораётгани, туб ислохотларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳоли кенг қатламларига янада чуқурроқ синдириш ва халқаро жамоатчиликка етказиш борасида тегишли ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда, — деди марказнинг очиلىш маросимида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Ҳ.Муҳитдинов. — Республикамиз Президенти Ислам Каримовнинг шу йил 6 апрелда қабул қилган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида байрам арафасида республикамиз бўйлаб янгидан-янги иншоотлар фойдаланишга топширилмоқда.

Бугун аҳолига телекоммуникациялар соҳасида хизмат кўрсатишни янада енгиллаштириш мақсадида хизмат турларини бир жойга жамловчи Ягона ойна маркази очиلىши муносабати билан сизларни табриклашга ижозат бергайсиз.

**Жорий  
йилнинг  
охирига қадар  
мамлакатимиз  
бўйлаб бу  
каби  
марказлар  
сони 50тага  
етказилиши  
режалаштирилган.**

Ягона ойна хизмат кўрсатиш масканларини ташкиллаштиришдан асосий мақсад, "Ўзбектелеком" АК томонидан улгуржи секторда кўрсатилган барча хизматлар мажмуасини бир жойдан бир оператор орқали кўрсатилишини йўлга қўйишдир. Мазкур иш ташкиллаштирилган ҳолда мавжуд ва потенциал мижозларга хизматлар кўрсатилишида қўшимча қўлайликлар яратилади.

Дастлабки босқичда Ягона ойна масканларида замонавий технологиялар асосида қурилган телекоммуникация тармоқларида интернет, мобил ва стационар алоқа хизматлари

кўрсатилиши режалаштирилган. Кейинги босқичларда мазкур хизматлар мажмуасига IP-телефония, IPTV, IP-карточкалар савдоси хизматлари ҳам қўшилади.

Шуниси қувончлики, жорий йилнинг охирига қадар мамлакатимиз бўйлаб бу каби марказлар сони 50тага етказилиши режалаштирилган. Бу марказларда "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси мижозлари бир жойнинг ўзида қайд этилган мутлақ телефон алоқасидан тортиб, интернет-хизматлари, CDMA-450 стандартидаги стационар ва мобил алоқага оид барча хизматлардан фойдалана олиш имкониятига эга бўладилар.

Ягона ойна хизмат кўрсатиш масканлари фаолиятининг йўлга қўйилиши мустақиллигимизнинг 20 йиллигига муносиб туҳфадир.

Тантана иштирокчилари бир вақтнинг ўзида Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус, Тошкент вилоятининг Олмалик, Жиззах вилоятининг Жиззах шаҳарларида, Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида ҳамда пойтахтимизнинг Навоий кўчасида ана шундай марказларнинг очилишига бағишлаб ўтказилган тадбирларни видеоконференция орқали томоша қилишди ва республикамизнинг чекка ҳудудларида ҳам мижозлар учун пойтахтдаги каби шароит яратилганлигига гувоҳ бўлишди. ЎзААА Бош директори иштирокчиларни ютуқлари билан табриклаб, ишларига зафарлар тилади.

Юртимиз бўйлаб ана шундай ҳузурбахш тантаналар давом этмоқда.

**Муборак МИРКАМОВА,**  
"Xabar" мухбири

## Янги бино фойдаланишга топширилди

Бухоро вилояти алоқа корхоналарида ҳам истиқлолимизнинг 20 йиллиги байрамими муносиб кутиб олишга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Айниқса, байрамолди қурилиш-ободончилик ишлари авжида.

Вилоятнинг Пешку туманида "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонаси туман филиали янги биносининг очиلىшига бағишланган йиғилишда соҳа ходимлари қўлга киритган ютуқлар тилга олиниб, янги маскан қўтлуг байрамга муносиб совға эканлиги таъкидланди. Тантанала сўз олган "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси бош директори Сувон Нажиддинов, Ўзбекистон алоқа ва ах-


боротлаштириш агентлиги Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Фахриддин Аллаев ва бошқалар соҳа ходимларининг бундан кейинги ишларига муваффақиятлар тиладилар. Мустақиллигимизнинг қўтлуг санаси муносабати билан ўзларининг энг яхши тилакларини изҳор этдилар.

Соҳа фахрийлари, жамоат ташкилотлари вакиллари бир пайла чой баҳонасидаги дилдан суҳбатлари алламаҳалгача давом этди.

Таъкидлаш ўринлики, ходимларнинг самарали иш олиб боришлари учун янги бинода барча шароитлар бор. Замонавий компютер ва бошқа техник воситалар улар ихтиёрида.

**Асқар ИСТАМОВ,**  
"Xabar"нинг Бухоро вилоятидаги мухбири

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий Мажлиси Қонунчилик**  
**палатасининг 2011 йил 14 июл**  
**куни бўлиб ўтган ялпи**  
**мажлисида**  
**"Телекоммуникациялар**  
**тўғрисида"ги Ўзбекистон**  
**Республикаси қонунига**  
**ўзгартиш ва қўшимчалар**  
**киритиш ҳақида"ги қонун**  
**лойиҳаси концептуал равишда**  
**биринчи ўқишда қабул қилинди**  
**ва ҳозирда иккинчи ўқишга**  
**киритиш учун қонун лойиҳаси**  
**устида иш олиб борилмоқда.**



# Замонавий телекоммуникация

## ҳуқуқий механизми такомиллашмоқда

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда телекоммуникация тармоғи жадал суръатлар билан ривожлана бошлади ва соҳадаги ислохотлар тадрижий ва тизимли равишда олиб борилгани боис тармоқнинг бутунги тараққиёти бўйича юртимизда ўзига хос тажриба тўпланганлигини дунёнинг таниқли экспертлари ҳам очик эътироф этишмоқда. Албатта, бундай салмоқли натижаларга эришишнинг сабабларидан бири ривожланиш ва юксалиш учун зарур шароитларни таъминловчи мукамал ҳуқуқий базанинг мавжудлигидир. Бунда 1999 йили қабул қилинган "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини энг муҳим қонун ҳужжатларидан бири ҳисобланади.

Бутун биз ҳаётимизни компютер техникасисиз, ахборот технологияларисиз, интернетсиз, мобил алоқасисиз тасаввур этишимиз мушкул. Мухтарам Юртбошимиз истиқлолимизнинг дастлабки йилларида "Биз яқин йиллар давомида алоқа ва телекоммуникация ривож бўйича жаҳон стандартлари даражасига кўтарилишимиз лозим. Ривожланган коммуникация тизими бўлмаса, Ўзбекистоннинг келажаги бўлмайди. Биз буни аниқ ҳис қилишимиз керак", деб таъкидлаган эдилар.

Юртбошимизнинг ушбу дастуриламал сўзларидан келиб чиқиб, юртимизда алоқа соҳаси учун ҳуқуқий база, қулай сармовий муҳит, моддий-техник шароитлар яратилди. Солиқ ва божхона имтиёзлари туфайли соҳада кенг миқёсда реконструкция ва модернизация ишлари бажарилди. Шаҳар ва қишлоқларда рақамли телефон станциялари ўрнатилиб, маҳаллий ва халқаро аҳамиятга эга оптик толали кабел линиялари қурилди. Натижада замонавий алоқа ва телекоммуникация тизими вужудга келди. Бу йўналишда хизматлар бозори шаклланиб, халқаро ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда иқтисодиётнинг ривожланиши, давлат бошқаруви самардорлигининг ошиши, ҳукумат ва фуқаролар ўртасида мустаҳкам алоқани таъминлашда замонавий ахборот технологияларининг нақадар муҳимлиги ва долзарблигини инобатга олган ҳолда, ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси давлат сиёсатининг усту-

вор йўналишларидан бири даражасига кўтарилди. Телекоммуникация тармоқларида фойдаланиладиган ахборот технологияларининг тез алмашиши, принципаи янги телекоммуникация хизматларининг пайдо бўлиши ва тақлиф этиладиган телекоммуникация хизматларининг сони ва сифатининг ошиши, соҳа субъектлари ўртасида иқтисодий ўзаро муносабатларни ташкил этиш тамойилларининг ўзгариши билан асосланди.

Сиёсий модернизация жараёнларида тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётган замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиш тизимида кенг фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов томонидан 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Қонун нормаларини янада такомиллаштириш ташаббуси илгари сурилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 14 январдаги фармойиши билан тасдиқланган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясини ахборот соҳасини қайта шакллантириш ҳамда сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш жабҳасида амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисидаги Дастур"ни амалга ошириш мақсадида тузилган эксперт гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу ишчи гуруҳ ишида Қонунчилик палатаси ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзолари ҳам фаол иштирок этишди.

Ушбу Қонуннинг асосий мақсади — давлат ва жамият қурилиш тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш ҳисобида сиёсий модернизациялашни таъминлашдир.

Қонун лойиҳасида фуқароларни замонавий телекоммуникация хизматлари билан тўлақонли ва сифатли таъминлашнинг, ахборотлаштириш ва телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантиришнинг, телекоммуникация, ахборот-ишлаб чиқиш алоқа хизматларининг, маълумот узатиш ва тарқатишнинг ҳозирги бозорини такомиллашти-

ришнинг ҳуқуқий механизмлари белгиланган. Унда интернет жаҳон ахборот тармоғи миллий сегментининг макони ва домен номларидан фойдаланиш тартибини белгилловчи янги нормалар ўз ифодасини топан.

Бу эса, телекоммуникациялар соҳасидаги ўлчов бирлиги ва зарур аниқлигини таъминлаш ва натижада телекоммуникация техник воситаларининг ишлаш сифатини ошириш, интернет жаҳон ахборот тармоғидаги миллий сегментимизнинг маконини маъмурий бошқариш процедураларини белгилаш имкониятларини яратди.

Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, юридик шахслар фаолиятига ва фуқароларнинг қўндалик ҳаётига замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг кенг жорий қилиниши ҳамда аҳолига телекоммуникация тармоқлари асосида тақдим этиладиган хизматлардан фойдаланиш эркинлигини ошириш учун шароитлар яратиш мақсадида идоравий ва ажратилган телекоммуникация тармоқлари ҳолатини сифат жиҳатидан янада яхшилашга реал замин бўлади.

Унда телекоммуникация тармоқлари ва телекоммуникация тармоғи

операторини тармоқлараро улаштириш ривожлантириш ва реконструкция қилишга қаратилган меъёрларга тегишли ўзгартиришлар киритилди.

Таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар охириги (терминал) ускуна, телекоммуникация оператори каби фойдаланиладиган таърифлар таҳририни аниқлаштиради ҳамда янги тушунчаларини киритмоқда.

"Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Қонуннинг амалдаги таҳририда келтирилган норматив ҳужжатларнинг тоифаларини "талаблар" умумий атамаси билан умумлаштирилиб, "Техник тартибга солиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши муносабати билан моддаларда мавжуд "стандартлар", "техник шартлар" ва "нормалар" атамалари чиқарилмоқда.

Шунингдек, телекоммуникация тармоқларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, узатиладиган ахборотнинг сир сақланишини янада такомиллаштириш мақсадида Қонунга янги 10-прим модда киритилмоқда. Унда давлат сирлари ва конфиденциал ахборотни қайта ишлаш учун мўлжалланган давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг телекоммуникациялар тармоғи мажбурий аттестациядан ўтказилиши белгиланмоқда. Шунини алоҳида эътироф этиш лозимки, мазкур аттестациядан фақат оқорида кўрсатилган ахборотларни қайта ишлаш, сақлаш ва ўтказишни амалга оширадиган ва шунга мўлжалланган ахборотлаштириш объекти ўтказилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси жамият ва давлат қурилиши субъектларининг фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш ҳисобида жамият ва давлат қурилиши тизимининг самардорлигини оширилишини таъминлаб беради.


**Д.ХОЛИҚОВА,**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси**

## ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА

Мамлакатимизда АКТ соҳасини ривожлантиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилган, яъни тармоққа доир 11та қонун, 6та турдош қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3та фармони, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг 40дан ортиқ қарори ҳамда 600дан ортиқ қонуности ҳужжатлар қабул қилинган.

Телекоммуникациялар тизимини ривожлантириш давлат томонидан қўллаб-қувватланиши натижасида, яъни Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг кафолати асосида OECF-1, EDCF, JBIC каби йирик лойиҳалар, КФБ-Банк, Siemens, Alcatel, Huawei ва бошқа етакчи хорижий фирма ва банклар кредитлари бўйича ҳукуматлараро келишувларга эришилди.



**Худуди** - 4,24 минг кв.км.  
**Аҳолиси** - 2583,8 минг киши.  
**Таркибида** 14 тумон, 3 шаҳар бор.  
**Маркази** - Андижон шаҳри.



# Истиқлол неъматлари

## РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ШАРОФАТИ

Мустақиллик йилларида Андижон вилоятида ҳам алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг барча йўналишларида жуда катта ўзгаришлар юз берди. Замонавий телекоммуникация қурилмаларини жорий этиш вилоятда 1994 йили бошланган эди. Ўша йили Балиқчи ва Улутнор туманларида "Квант-2048" русумли АТСлар монтаж қилиниб, ишга туширилди. Икки йилдан сўнг Жанубий Кореянинг "ДЭУ" компанияси билан ҳамкорликда Андижон шаҳрида 22-АТС/АМТС ва 24-АТС, жами 12 минг рақамли коммутиация тизимлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. 2000 йилда Корея Республикасининг EDCF жамғармаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган лойиҳа асосида "Андижон Телеком" филиали телекоммуникация тармоғига умумий сизими 21 мингта бўлган 4та рақамли телефон станцияси қўшилди.

Шунингдек, ўтган давр мобайнида Андижон шаҳрини вилоятдаги шаҳар ва туман марказлари билан боғловчи 423 км узунликдаги оптик толали алоқа линияси қурилиб, рақамли SDH русумли узатиш тизимлари ишга туширилди.

Хитой ҳукумати кредити эвазига "HUAWEI" компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилган лойиҳа бўйича Андижон шаҳридаги 25-, 37-, 46-АТСлар ва туманлар марказларидаги эски автомат телефон станциялари 50,5 мингдан зиёд мижозга мўлжалланган янги рақамли АТСларга ва 2300 каналга эга бўлган шаҳарлараро автомат телефон станциясига алмаштирилди. Қишлоқ аҳолиси ва инфратузилма объектларини сифатли телефон алоқаси билан таъминлаш мақсадида қишлоқлардаги эски АТСлар замонавий СГМ станцияларига алмаштирилди. Бугунги кунда қишлоқ жойлардаги СГМ қурилмалари станцияларнинг умумий сони 23тага етди.

## ЯНГИЛИККА ИНТИЛИБ

Истиқлол йилларида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Андижон филиали почта алоқаси тармоқларининг моддий-техника базаси сезиларли даражада мустаҳкамланди. Бугунги кунда улардан 14таси замонавий биноларда фаолият юритмоқда. Ўтган давр мобайнида Булоқбоши, Шаҳрихон ва Пахтабод туманлари почта алоқаси тармоқлари учун янги бинолар барпо этилди, вилоят филиали ва Хонобод шаҳар почта алоқаси тармоғи бинолари, кейинги уч йрим йил ичида жами 118 почта алоқаси объекти мукаммал таъмирдан чиқарилиди.

Филиалда аҳолига почта хизматлари кўрсатишда 34та автотранспорт воситасидан, 188та компютердан фойдаланилган. Алоқа бўлимларида электрон пул жўнатмалари қабул қилиш ва тўлаш, курерлик, нусха кўчириш, факс, компютер хизмати кўрсатиш йўлга қўйилган. Аҳолига қўлайлик яратиш мақсадида барча почта алоқаси тармоқларида пластик карточкалар учун терминаллар ўрнатилган.

Айни вақтда Пойтуғ ва Асака почта алоқаси тармоқларида интернет-кафелар, Пахтабод почта алоқаси тармоғида кўча



Истиқлол йилларида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Андижон филиали мана шундай бинога эга бўлди.

алоқа бўлими фаолият кўрсатмоқда.

Ушбу тизимда касаначилик усулидаги меҳнат шаклларида фойдаланиш ҳисобига 12 киши иш билан таъминланди. Улар тизимдаги сараловчи ходимларга сўт маҳсулотлари етказиб бериш, жўнатмалар учун қоплар тайёрлаш билан шуғулланмоқдалар. Кейинги бир ярим йил ичида филиалга қарашли бўлган ва фойдаланилмай турган бинолар кичик бизнес субъектларига ижарага берилиб, 43та қўшимча иш ўрни ташкил этилди.

## ЮКСАЛИШ ДАВРИ

Андижон радиотелевизион узатиш марказининг мустақиллик йилларидаги фаолияти ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Чунки ўтган йиллар мобайнида бутун Фарғона vodiysida сунъий йўлдош кўмагида телевизион тўқинларини узатиш тармоғини жадал ривожлантириш борасида бу марказ салмоқли ишларини амалга оширди. Ана шу ишлар туфайли Фарғона вилоятининг телевизион тўқинлар узатиш ва қабул қилиш ўта мураккаб бўлган Сўх ва Наманган вилоятининг Заркент туманларида ҳам асосий телеканаллар тўқинларини қабул қилиш учун шароит вужудга келтирилди. Бунда 1998 йили Фарғона вилоятида янги станция қурилганлиги муҳим рол ўйнади. Ўша пайтдан бошлаб ушбу станцияга ўрнатилган DMB диапозонидagi "TV5GR" русумли телеузатгичлардан фойдаланилмоқда.

2005 йилда Фарғона вилояти, Сўх туманидаги радиотелевизион узатиш станциясида янги аппарат зали қурилди. Унга ўрнатилган "NEC" кам қувватли телеузатгичи воситасида республика телерадиокомпаниясининг "Ўзбекистон" канали дастурларини узатиш йўлга қўйилди.

Андижон вилоятидаги Бешбўш адирида жойлашган станцияга ҳам "NEC" компаниясининг иккита телеузатгичи ўрнатилган бўлиб, улар воситасида воқий бўлиб "Ўзбекистон" ва "Спорт" телеканалларининг дастурлари узатилмоқда. Қўқон станциясига ўрнатилган иккита замонавий телеузатгич

## ВИЛОЯТДА:

• **2374 нафар алоқа ходими меҳнат қилмоқда.**

• **Телефон станциялари сони - 133та.**

• **517 километрдан ортқ масофага оптик толали кабел ётқизилган.**

• **Почта алоқаси бўлимлари сони - 245та.**

• **"Матбуот" дўконлари сони - 153та.**

• **Мобил алоқа мижозлари сони - 1 480 759 нафар.**

• **Интернетдан фойдаланувчилар сони - 350 000дан зиёд.**

ёрламида "Ўзбекистон" ва "Ёшлар" телеканалларининг дастурлари трансляция қилинган.

Жорий йилда вилоятда рақамли телевидение хизмати кўрсатишни йўлга қўйиш режалаштирилган. Ҳозир Андижон РТСга янги рақамли телеузатгич ўрнатишга тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

## ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТЛАР

Вилоятимизда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг истиқлол йилларидаги ривож ҳақида гапирганда, шу йиллар мобайнида ўзининг 100 йиллик

юбилейини нишонлаган Бобур номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази фаолиятига ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Негаки, республикаимиз Президентининг 2006 йил 20 июндаги 381-қарорига асосан қайта ташкил этилган ушбу марказда бўлимлар ва секторлар босқичма-босқич компютер техникаси, сервер, нусха кўчириш аппарати, принтер ва сканерлар билан таъминланди. Фойдаланувчиларга тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида ИРБИС дастури асосида янги технологиялардан фойдаланган ҳолда нодир ва янги адабиётлар ҳамда ретро фонд жамғармасининг электрон каталогларини яратиш ишлари олиб борилди.

Ҳозирги вақтда ахборот-кутубхона марказининг фонди 622,7 минг нусха босма нашрлардан, 14 минг нусхадан ортқ электрон ресурслардан иборат бўлиб, йилига 20 мингдан зиёд фойдаланувчига хизмат кўрсатмоқда.

## ЮТУҚЛАР ОМИЛИ

Ҳамма жабҳаларда республикаимиз мустақиллигининг 20 йиллигини муносиб кутиб олишга қизгин ҳозирлик кўриладиган шу кунларда "Андижон матбуот таркатуви" масъулияти чекланган жамияти жамоаси ҳам ушбу қўлтуғ санага арзигулик туҳфа тайёрлаш иштиёқи билан яшамокда. Жамиятда ўтган йили эришилган натижалар анча салмоқли бўлди. Ички товар айланимаси бўйича режа аввалги йилдагига нисбатан 123,9 фоизни ташкил этди. Бизнес-режада соф фойда олиш бўйича белгиланган кўрсаткич 166,2 фоизга бажарилди. Жамиятнинг барча туман ва шаҳар бўлимларида ишлар тўғрисида ташкил этилганлиги, уларда 21та терминал ўрнатилиб, тўловлар пластик карточкалар воситасида қабул қилинганлиги туфайли жорий йил учун жами 81 минг нусхадан зиёд матбуот нашрларига обуна расмийлаштирилди.

Шу билан бирга, жойлардаги "Матбуот" дўконларини замонавий услубда таъмирлаш ишлари давом эттирилди. Жумладан, Андижон шаҳрида ва туманлардаги дўконларнинг асосий қисми тўла таъмирланиб, алюкобонд ва пластика билан қопланди. 2та янги дўкон сотиб олинди. Андижон шаҳри ва Пахтабод тумани марказининг одамлар билан гавжум жойларига ўрнатилди.

Шунингдек, кейинги йилларда Избоскан, Бўз, Андижон, Булоқбоши туманларидаги бўлимлар ўз биноларига эга бўлди. Мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида Пахтабод тумани бўлимининг замонавий услубда барпо этилган биноси фойдаланишга топширилди. Айни пайтда жамиятнинг Хўжабод тумани бўлими мамырий биноси қурилиши давом эттирилмоқда.

Вилоятда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг бошқа йўналишларида ҳам Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги муносиб меҳнат зафарлари билан кутиб олинмоқда. Зеро, ушбу сана соҳанинг барча ходимлари учун энг улуғ ва қадридли.

Тоҳиржон НУРИДИНОВ,  
 ЎзААнинг Андижон вилояти  
 ҳудудий бошқармаси бошлиги

**Ж**иззах вилоятида минг нафарга яқин алоқа ходими фаолият кўрсатади. Улар бошқа ҳамкасблари қатори яратувчанлик иштиёқи билан соҳа тараққиёти йўлида самарали меҳнат қилишмоқда. Қуйида истиқлол йилларида жиззахлик алоқачилар томонидан амалга оширилган ишлар ҳақида ҳикоя қилинади.



**Худуди** - 21,2 минг кв.км.  
**Аҳолиси** - 1100 минг кишидан ортқ.  
**Таркибида** 12та туман, 8та шаҳар бор.  
**Маркази** - Жиззах шаҳри.

## ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ

Вилоят бўйича телефон станцияларининг умумий монтаж сифими 38750 рақам ("ЎЗИ-Жиззах" филиали 23230та, "Ўзбектелеком" АК Жиззах филиали 15520та)га тенг бўлиб, жами телефон станциялари сони 34тани ташкил этади. 2006 йилда вилоятнинг 12та туман марказларидаги аналог АТСлар Хитой Халқ Республикаси инвестицияси асосида жаҳон стандартларига мос келадиган рақамли 13та автомат телефон станцияларга алмаштирилди. Натижада абонентларга кўрсатилаётган алоқа хизматлари сифати яхшиланди, шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар алоқасига чиқиш имконияти кенгайди, бундан ташқари, миқозларга 12 хил қўшимча хизмат турларидан, интернет ва маълумотлар узатиш тармоғи хизматларидан кенг фойдаланиш имконияти яратилди.

Япониянинг JBC лойиҳаси асосида 2006 йилнинг биринчи ярим йилида вилоят маркази ва туманлар маркази оралиғига 365 км. оптик толали алоқа кабели ётқизибли, рақамли узатиш ускуналари ишга туширилди.

2001 йили Жиззах шаҳридаги 14000 нафар миқоз телефон алоқаси билан таъминланган бўлса, бу рақам бүгунги кунга келиб 20600тани ташкил этади. Бундан ташқари, шаҳар аҳолисига қудайлик яратиш мақсадида 15 турда қўшимча хизматлар ташкил этилди.

"ЎЗИ-Жиззах" филиали томонидан Жиззах политехника ва педагогика институтларига оптик толали кабеллар ётқизибли, видеоконференция хизматлари ташкиллатирилди.

Вилоят аҳолиси ва ташкилотларига "МТС-Ўзбекистон", "Usell", "Билайн", "Перфектум Мобайл" компаниялари ва "ЎзМобайл" филиалининг мобил алоқа ва интернет хизматлари кўрсатишмоқда. Қишлоқ жойлардаги аҳоли ва ижтимоий аҳамиятга эга инфратузилма объектларини телефон алоқаси ва интернет хизматлари билан таъминлаш мақсадида "Ўзбектелеком" АК томонидан вилоятда 2010 йили қўшимча 6та CDMA-450 база станцияси ишга туширилди. Бугунги кунда жами 19та шундай база станцияси ишламоқда.

Ўтган вақт мобайлида Зомин, Жиззах, Бахмал, Фориш туманларининг тоғли ва узок 29та аҳоли яшаш масканларида Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг 1-телерадиозиттириш дастуриларини Ернинг сунъий йўлдоши орқали қабул қилиб, кам қувватли телевидение ва радиозиттириш узаткичлари ёрдамида ретрансляция қилиб, аҳолини сифатли телерадиозиттиришлар билан таъминлашга эришилди. Қўйтош ва Қангли РТСларда барча ТВ, РВ узаткичлар замонавий узаткичларга алмаштирилди.



Шароф Рашидов номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази биноси



Мустақиллик йилларида Шароф Рашидов номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази биноси қайтадан реконструкция қилиниб, капитал таъмирланди. АКМнинг барча бўлимлари компьютерлар билан таъминланиб, локал тармоққа уланди. Марказда алоҳида электрон кутубхона, яъни компютерлаштирилган ўқув зали мавжуд, компютерлар интернет ва "ZiyoNET" тармоқларига уланган. Фойдаланувчилар ушбу тармоқлардан унумли фойдаланишмоқда. АКМ жамғармасида ҳозирги кунда 34147 номда 99437 нусхадаги адабиётлар мавжуд.

# Яратувчанлик иштиёқи

## ВИЛОЯТДА:

• Минг нафарга яқин алоқа ходими меҳнат қилмоқда.

• Телефон станциялари сони - 34та.

• 365 км. масофага оптик толали кабел ётқизилган.

• Почта алоқаси бўлимлари сони - 158та.

• "Матбуот" дўконлари сони - 56та.

• Мобил алоқа абонентлари сони - 543475 нафар.

• Интернетдан фойдаланувчилар сони - 52000 нафар.

## КОМПЮТЕР САВОДХОНЛИГИ

Ўтган йили Тошкент ахборот технологиялари университетининг юқори босқич талабаларидан ташкил этилган "Бунёдкор ёшлар" ўқув отрядлари томонидан вилоятнинг 13та туман (шаҳар)ларида ёшларни ҳамда давлат органлари ходимларини компютер саводхонлигига ўқитиш ўқув семинарларида академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари ва ўқувчилари, "Қамолот" ЁИХ ва "Келажак овози" ЁТМ фаоллари, "Маҳалла" жамғармаси, маҳаллий ҳокимлик органлари, корхона ва ташкилотлар ходимлари — жами 1250 нафардан ортқ тингловчи замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан амалда фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш бўйича ўқитилди. Шу билан бир қаторда, ўқитувчи-инструкторлар томонидан вилоятнинг 257та маҳалла ва ҚФЙлари фуқароларидан 26562 нафари ушбу йўналишда ўқитилди.

Вилоят компютерлаштириш маркази томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилдаги 636-фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида вилоятдаги давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ходимлари, мактаб, коллеж ўқитувчиларини компютер саводхонлиги бўйича интернет орқали ўқитиш ишлари "UZINFOCOM" маркази билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда.

Толибжон ЭРГАШЕВ

Мустақиллик йилларида моддий ва маънавий жиҳатдан эскирган лампа, энергияни кўп сарфловчи ТВ ва РВ узаткичлар замонавий ярим ўтказгичли узаткичларга алмаштирилди.

## "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" МЧЖ

Жиззах вилоят "Матбуот тарқатувчи" МЧЖ 1998 йили қайта ташкил этилган бўлиб, 7 нафар ходим ҳамда 4та "Матбуот" дўкони билан иш бошлаган эди.

Бугунги кунда жамиятда ишловчи ходимлар сони 24 нафарга, "Матбуот" дўконлари сони 56тага етди. Вилоятнинг Зомин, Фориш, Ғаллаорол, Зарбдор ва Дўстлик туманларида жамиятнинг филиаллари, бошқа туманларда участкалари ташкил этилди.

Миқозларга кўрсатилаётган обуна ва чакана савдо хизматлари сифати ошди. Ҳозирги кунда Ғаллаорол ва Зомин туманида, Жиззах шаҳридаги учта "Матбуот" дўкониди аҳолига савдо терминаллари орқали обуна ва савдо хизмати йўлга қўйилган. Дўконларда, шунингдек, нуска кўчириш, Раупет, телефон каби қўшимча хизмат турлари ҳам

ташкил қилинди.

Жамиятга қарашли 10та автомашина туманларга кундалик матбуот нашрларини ўз вақтида етказилишини таъминламоқда. Яқин тўрт йил ичида аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида 18та касаначилик иш ўрни яратилди. Ходимларнинг иш шароитлари яхшиланди.

"Матбуот тарқатувчи" АК, ОАТ "Алоқабанк" ва вилоят "Матбуот тарқатувчи" МЧЖ таъсисчилигида чорвачилик, балтиқчилик ва паррандачиликка ихтисослаштирилган "Матбуот чорва парранда-плюс" МЧЖ таъсис этилди ва фаолият бошлади.

## АХБОРОТ-КУТУБХОНА МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори асосида вилоятда 55та ахборот-ресурс маркази ва битта ахборот-кутубхона маркази ташкил этилди. Ҳозирги кунга келиб эса вилоятда жами 124та АРМ фаолият кўрсатмоқда.

Согласно закону Республики Узбекистан "О техническом регулировании" от 23.04.2009, техническое регулирование — это установление, применение и исполнение обязательных требований к безопасности продукции, работ и услуг. На сегодняшний день, в сфере связи и информатизации разрабатывается три технических регламента: "Об электромагнитной совместимости", "Требования к инфраструктуре открытых ключей" и "Требования к оборудованию телекоммуникаций", которые призваны обеспечить нормативное обоснование безопасности того или иного оборудования.

## ТЕХНИЧЕСКИЙ РЕГЛАМЕНТ как эффективный способ регулирования

Необходимость разработки технических регламентов продиктована тем, что они напрямую связаны с такими понятиями как: обеспечение безопасности жизни и здоровья человека, имущества; обеспечение охраны окружающей среды, а также рациональное использование природных ресурсов; устранение технических барьеров в торговле, предупреждение действий, вводящих в заблуждение потребителей в отношении безопасности продукции, работ и услуг.

Таким образом, разработка технических регламентов — одно из наиболее приоритетных направлений, которое регламентирует требования к оборудованию на территории Республики, в частности ее соответствие нормам безопасности, принятым как в Узбекистане, так и в других странах.

При подготовке собственных технических регламентов, прежде всего, был изучен зарубежный опыт, который показал все сильные и слабые стороны того или иного положения в техническом регламенте. Регламенты, разрабатываемые специалистами, прежде всего, ориентированы на нормы, принятые в Узбекистане и на соответствие их международным стандартам и нормам.

На сегодняшний день, наиболее полный общий технический регламент "Об электромагнитной совместимости", который находится практически на финальной стадии разработки, разослан на согласование членам Экспертного Совета в области Технического регулирования в сфере связи и информатизации. Проект регламента размещен на сайте [www.unicon.uz](http://www.unicon.uz).

Стоит отметить, что регламент, активно обсуждается членами совета, с целью принятия наиболее оптимального решения, для дальнейшего его применения.

Таким образом, цель введения данного регламента — защита жизни и здоровья человека, охраны окружающей среды, имущества, а также предупреждения действий, вводящих в заблуждение потребителей (пользователей) технических средств относительно их качества. Действие технического регламента распространяется на любые технические средства, способные создавать электромагнитные помехи и/или качество функционирования которых подвержено воздействию внешних электромагнитных полей. Данный регламент охватывает практически весь спектр технических средств, т.к. каждое из них создает такие помехи.

Регламентируются требования к оборудованию, в частности, его причисление к определенному классу электромагнитной обстановки и определение уровня допустимых помех. По результатам введения технического регламента в действие оборудование будет про-

ходить добровольную или обязательную сертификацию, подтверждающую его соответствие нормам безопасности.

Что касается технического регламента "Требования к инфраструктуре открытых ключей", он находится на начальной стадии формирования. Уже имеется предварительная редакция, которая представлена на доработку и согласование членам Экспертного Совета в области Технического регулирования в сфере связи и информатизации. На данный момент, на сайте ГУП "UNICON.UZ", размещен предварительный проект технического регламента.

Данный регламент устанавливает обязательные требования к национальной инфраструктуре открытых ключей, обеспечению конфиденциальности и целостности информации, аутентификации пользователей и ресурсов, к которым обращаются пользователи, подтверждению совершенных пользователей действий с информацией. Так, регламент распространяется на электронную цифровую подпись, шифрование сообщений, авторизацию органов государственной власти и управления, хозяйствующих субъектов, функционирующих в Республике Узбекистан.

Требования, выдвинутые в регламенте, гармонизированы с основными, международными требованиями, принятыми Международным Союзом электросвязи и другими организациями, в частности, будут приняты во внимание следующие документы: Рекомендации ITU; RFC 2459 — Internet X.509 Public Key Infrastructure Certificate; RFC 2510 — Internet X.509 Public Key Infrastructure Certificate Management Protocols and RFC 2511 — Internet X.509 Certificate Request Message Format.

Применение регламента, прежде всего, определяет требования доступа на рынок Узбекистана, и выставляет требования к безопасности как к самим программным продуктам, ключам ЭЦП, так и к их содержанию. В частности требования: к хранению информации на бумажных, магнитных и оптических носителях, к резервному копированию и восстановлению, к защите данных, поступающих и экспортируемых из ЦР ЭЦП, к размещению технических средств и др., в том числе и к помещению. Данный комплекс мер позволит обеспечить наилучшее качество хранения информации и обеспечение ее безопасности от постороннего вмешательства с целью нанесения вреда.

Третий регламент "Требования к оборудованию телекоммуникаций" регламентирует безопасность как выпускаемого в Узбекистане оборудования, так и ввозимого на территорию Республики для пос-

ледующей его эксплуатации. Регламент распространяется даже на оборудование, которое ранее эксплуатировалось на территории других стран с последующей модернизацией.

Таким образом, требования общего технического регламента распространяются на следующие виды оборудования телекоммуникаций: Цифровые коммутационные системы; Подсистемы коммутации сетевых сетей телекоммуникаций; Оборудование, реализующее сетевые дополнительные услуги; Оборудование сетей последующего поколения; Оконечные терминальные устройства; Системы мобильной связи; Наземные и спутниковые системы радиосвязи радиовещания и телевидения; Наземные спутниковые системы навигации и позиционирования; Системы кабельного телевизионного и радиовещания; Устройства радио управления и телеметрии; Студийная аудио и видео аппаратура; Устройства воспроизведения изображения; Антенны и фидерные устройства; Оборудование цифровой системы передачи; Оборудование передачи данных с проводным и беспроводным доступом; Оборудование системы управления сетью и мониторинга; Оборудование электропитания технических средств телекоммуникаций; Устройства и системы климатического контроля; Кабели связи и кабельное оборудование.

Однако, стоит отметить, что общий технический регламент не распространяется на оборудование телекоммуникаций военного назначения.

На сегодняшний день, регламент находится в начальной стадии формирования. Первая предварительная редакция опубликована на сайте ГУП "UNICON.UZ". Разработка данного регламента характеризуется необходимостью установления обязательных требований к оборудованию телекоммуникаций, с целью защиты жизни и здоровья человека и имущества, а также с целью обеспечения безопасности, целостности, взаимосвязанности и бесперебойного функционирования сети телекоммуникаций.

Его применение позволит обеспечить необходимый уровень безопасности как людей, работающих с телекоммуникационным оборудованием, так и пользователей.

В целом, применение технических регламентов на территории Республики позволит обеспечить необходимый уровень требований к безопасности оборудования. Соответствие регламентам принятым международным нормам позволит обеспечить надлежащее качество оборудования производимого и ввозимого в Республику.

Пресс-служба ГУП  
"UNICON.UZ"

## ПРОЕКТ ПРООН

по поддержке системы местного управления в Наманганской области

Наманган, 11 августа 2011 г. — Проект Программы Развития ООН (ПРООН) "Поддержка системы местного управления: гражданское участие и партнерство" (проект ПРООН) провел круглый стол с представителями негосударственных некоммерческих организаций (ННО), субъектов частного предпринимательства и средств массовой информации (СМИ) Наманганской области. Основная цель состоявшегося мероприятия заключалась в ознакомлении участников с достигнутыми результатами деятельности направлений проекта ПРООН, реализуемых совместно с хокимиятами, а также в обсуждении дополнительных мер, которые необходимо предпринять для увеличения пользы от деятельности проекта для местного населения.

С момента начала деятельности в марте 2010 года, проект ПРООН добился значительных результатов по шести его основным направлениям деятельности. Например, до конца 2011 года только по Наманганской области проектом будет оказано содействие в создании 3-х пресс-служб, которые должны обеспечить информирование местного населения о деятельности государственных органов. В целях совершенствования системы предоставления государственных услуг населению в г. Намангане проектом будет оказано содействие в открытии в этом городе Центра Единого Окна (ЦЕО). Кроме того, до конца августа 2011 года проектом запланирован запуск системы электронного документооборота в 13-х хокимиятах области, а также привлечение инвесторов для развития туризма на базе санатория "Чартак", расположенный в Чартакском районе Наманганской области.

Во время круглого стола специалисты проекта ПРООН ответили на интересующие вопросы участников, а также приняли к сведению предложения по повышению эффективности деятельности проекта.

Саидбек ДЖУРАБЕКОВ,  
специалист по связям  
с общественностью проекта ПРООН

## Новый интернет-пакет от "МТС-Узбекистан"

"МТС-Узбекистан" объявляет о запуске нового предложения, которое позволит абонентам компании не ограничивать себя при пользовании мобильным интернетом и всегда быть в режиме online. В новом интернет-пакете "Internet 10000" пользователям предоставляется 10 000 Мб льготного интернет-трафика всего за \$50, а это всего \$0,005 за 1 Мб.

Для подключения доступны следующие интернет-пакеты:

| Наименование        | Количество включенного GPRS-Internet трафика | Стоимость пакета |
|---------------------|----------------------------------------------|------------------|
| "Internet 25"       | 25 Мб                                        | \$1              |
| "Internet 60"       | 60 Мб                                        | \$2              |
| "Internet 125"      | 125 Мб                                       | \$3,5            |
6.45 Ёшлар студияси: "Келажак билан юзма-юз".  
6.55 11.55 20.25 "Оналик бахти" кўрсатув.  
7.00 "Янги авлод".  
7.15 Мультифилм.  
7.30 15.00 20.30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури.  
7.50 20.50 "Бизнес-репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури.  
8.00 "25-қадр" киноқўрсатув.  
8.30 11.00 15.20 "Хориж хабарлари".  
8.35 11.45 18.50 22.20 00.45 НТТда мусиқа.  
9.00 12.00 14.35 18.00 "Худудий хабарлар".  
9.05 16.05 19.45 21.50 "Муҳаббат иштироблари" т/с (52-қисм).  
9.45 16.45 19.00 "Бизнес-промо".  
10.00 "Онлайн хабарлари".  
10.05 15.30 Хужжатли фильм.  
10.30 16.00 "Пойтахт хабарлари".  
11.35 Қўтилмаган томоша.  
10.45 НТТда мусиқа.  
11.00 "Хаёт қадри" т/с.  
12.05 "Учар қиз" б/ф премьераси.  
14.00 "Яхши кайфият".  
14.30 "Парламент: 5 дақиқа".  
15.25 "НТТ спорт".  
17.00 "Хазина" телешоувинг-ториниси.  
18.05 "Карина-Карина" т/с (155-қисм).  
18.30 "Болалар худуди".  
18.40 Ёшлар студияси: "Келажак билан юзма-юз".  
19.15 "Зиё" студияси намойиш этади.  
21.00 "Тош ойна".  
22.30 "Нариги соҳилда қолган болалик" б/ф.  
1.00 Тунги кинозал: "Томдаги Гусар" б/ф.

### Пайшанба

3.00 Мумтоз наволар.  
3.30 "Зиё" студияси намойиш этади.  
4.00 "Ғап" маданий кўрсатув.  
5.00 "Чимқилди" б/ф.  
6.30 14.40 15.45 "Форум вақти".  
6.45 Ёшлар студияси: "Келажак билан юзма-юз".  
6.55 11.55 20.25 "Оналик бахти" кўрсатув.  
7.00 "Янги авлод".  
7.15 Мультифилм.  
7.30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури.  
7.50 20.50 "Бизнес-репорт"

иқтисодий-таҳлилий дастури.  
8.00 "Тош ойна".  
8.30 11.00 15.20 "Хориж хабарлари".  
8.35 11.45 18.50 22.20 00.15 НТТда мусиқа.  
9.00 12.00 14.35 18.00 "Худудий хабарлар".  
9.05 16.05 19.45 21.50 "Муҳаббат иштироблари" т/с.  
9.45 16.45 19.00 "Бизнес-промо".  
10.00 16.00 "Пойтахт хабарлари".  
10.05 "Дийдор ширин" дам олиш кўрсатув.  
11.05 "Хаёт қадри" т/с (88-қисм).  
12.05 "Нариги соҳилда қолган болалик" б/ф.  
14.00 "25-қадр" киноқўрсатув.  
14.30 "Парламент: 5 дақиқа".  
15.00 20.30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури.  
15.30 Хужжатли фильм.  
17.00 "Хазина" телешоувинг-ториниси.  
18.05 "Карина-Карина" т/с (156-қисм).  
18.30 "Болалар худуди".  
18.40 Ёшлар студияси: "Келажак билан юзма-юз".  
19.15 "Зиё" студияси намойиш этади.  
21.00 "Taxi.uz".  
21.30 "Долзарб мавзу" кўрсатув.  
22.30 "Мактуб" б/ф премьераси.  
00.30 Тунги кинозал: "Пинхона" б/ф (Хиндистон).

### Жума

3.00 Мумтоз наволар.  
3.30 "Зиё" студияси намойиш этади.  
4.00 "Дийдор ширин" маданий кўрсатув.  
5.00 "Туялар муборак" б/ф.  
6.30 14.40 "Форум вақти".  
6.45 Ёшлар студияси: "Келажак билан юзма-юз".  
6.55 11.55 "Оналик бахти" кўрсатув.  
7.00 "Янги авлод".  
7.15 Мультифилм.  
7.30 15.00 21.00 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури.  
7.50 "Бизнес-репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури.  
8.00 "Taxi.uz".  
8.30 11.00 15.20 21.30 "Хориж хабарлари".  
8.35 10.45 11.45 18.50 22.20 00.15 НТТда мусиқа.  
9.00 12.00 14.35 18.00 "Худудий хабарлари".  
9.05 16.05 "Муҳаббат симфонияси" т/с.  
9.45 16.45 "Бизнес-промо".  
10.00 16.00 "Пойтахт хабарлари".  
10.05 15.30 Хужжатли фильм.  
10.35 Қўтилмаган томоша.  
11.05 "Хаёт қадри" т/с (89-қисм).  
12.00 "Худудий хабарлар".  
12.05 "Уғлон. Еҳуд тикланган ойна" б/ф.  
14.00 "Тош ойна".  
14.30 "Парламент: 5 дақиқа".  
15.25 "НТТ спорт".  
17.00 "Хазина" телешоувинг-ториниси.  
18.05 "Карина-Карина" т/с (157-қисм).  
18.30 "Болалар худуди".  
18.40 Ёшлар студияси: "Келажак билан юзма-юз".  
19.00 "Зиё" студияси намойиш этади.

19.30 "Шарқ тароналари 2011" мусиқий фестивали.  
21.30 "Бизнес-репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури.  
21.35 "Қопқон" кўрсатув.  
22.30 "Уғлон. Еҳуд тикланган ойна" б/ф премьераси.  
00.30 Тунги кинозал: "Валда" б/ф.

### Шанба

3.00 Мумтоз наволар.  
3.30 "Зиё" студияси намойиш этади.  
4.00 "Дийдор ширин" маданий кўрсатув.  
5.00 "Дилхироб" б/ф.  
6.30 15.40 "Хориж вақти".  
6.45 Ёшлар студияси: "Келажак билан юзма-юз".  
6.55 11.30 19.45 "Оналик бахти" кўрсатув.  
7.00 "Яхши кайфият".  
7.30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури.  
7.50 "Бизнес-репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури.  
8.00 Болалар соати.  
9.00 15.00 "Хориж хабарлари".  
9.05 "Муҳаббат иштироблари" т/с.  
11.15 16.00 19.50 00.45 НТТда мусиқа.  
11.35 "Динозавр қолдирган из" б/ф.  
13.30 "Дийдор ширин" мусиқий-дам олиш дастури.  
15.05 "Эслайсизми" дастури.  
15.20 Қўтилмаган томоша.  
15.35 "Пойтахт хабарлар".  
16.15 "25-қадр" киноқўрсатув.  
16.45 19.00 "Бизнес-промо".  
17.00 "Хазина" телешоувинг-ториниси.  
18.00 "Ёнма - ён" б/ф (1 қисм).  
19.15 "Зиё" студияси намойиш этади.  
20.00 "Парламент соати".  
20.20 "Эслайсизми" дастури.  
20.30 "Ғап" кўнгилчолар кўрсатув.  
21.30 "Тохо шодлик, гоҳо ғам" б/ф (Хиндистон).  
1.00 Тунги кинозал: "Ушў" б/ф.

### Якшанба

3.00 Мумтоз наволар.  
3.30 19.15 "Зиё" студияси намойиш этади.  
4.00 "Ғап" маданий кўрсатув.  
5.00 "Чол ва набира" б/ф.  
7.00 "Форум вақти".  
7.30 Информацион блок.  
8.00 Болалар соати.  
9.00 "Муҳаббат симфонияси" т/с.  
11.55 19.45 "Оналик бахти" кўрсатув.  
12.00 "Озод шоу" кўнгилчолар кўрсатув.  
13.00 "Тохо шодлик, гоҳо ғам" б/ф (Хиндистон).  
16.00 00.45 НТТда мусиқа.  
16.15 "Тош ойна".  
16.45 19.00 "Бизнес-промо".  
17.00 "Хазина" телешоувинг-ториниси.  
18.00 "Ёнма - ён" б/ф (2 қисм).  
19.50 Хайра спорт.  
20.00 "Яҳуд азизати".  
20.25 "Эслайсизми" кўрсатув.  
20.40 "Форум хабарлари".  
21.00 "Дийдор ширин" мусиқий дам олиш дастури.  
22.30 "Иқтидор" б/ф премьераси.  
1.00 Тунги кинозал: "Аленинг ғаройиб саргузаштлари" б/ф.

ТВ-дастурлар «Садо» МЧЖ томонидан тақдим этилди.

# Энг оммавий 500 сайт

Интернет-сайтларга кировчилар

ҳақида статистика маълумотлари йиғувчи Alexa.com сайти глобал тармоқнинг энг оммалашган 500 сайти номини эълон қилди. Одатдагидек, бу сафар ҳам интернет-кидирув тизимлари фойдаланувчиларни энг кўп жалб этган. Хусусан, энг йирик кидирув тизими — Google пешқадамликни сақлаб қолди, жаҳон бўйича интернетга кировчиларнинг ярмидан кўпи ундан фойдаланишяпти.

Кейинги ўринни жаҳоннинг энг йирик ижтимоий тармоғи — Facebook банд этди (фойдаланувчиларнинг 44,43 фоизи). Учинчи ўрин соҳиби тармоқдаги энг йирик видеохостинг — YouTube (30,56 фоиз). Дарвоқе, мазкур сервис Googleга қарашли.

Интернетга кировчи ҳар тўртинчи киши Yahoo кидирув тизимини танласа,

Googleга тегишли яна бир сервис — Blogger.com 13,84 фоиз фойдаланувчини жалб эта олган.

Хитойнинг Baidu кидирув тизими оммавийлиги бўйича жаҳонда олтинчи, шу билан бирга, инглиз тилида юритилмайдиган етакчи сайт эканлиги ойдинлашди. Кейинги поғоналар эса Wikipedia интернет-энциклопедияси ва

Microsoftнинг Live сервиси ўртасида тақсимланди.

Тўққизинчи ўринни 7,28 фоиз фойдаланувчиси билан микроблоглар сервиси Twitter, ўнинчи ўринни яна бир хитойликлар сайти — QQ блог-платформаси эгаллаган.

Россиянинг йирик кидирув тизими — "Яндекс" ўзига хос бу рейтингда 22-поғонани банд этди.

## Браузерлар пойгаси

Gomez тадқиқотлар маркази энг тез ишловчи браузерни аниқлаш учун бир ой давомида 200та атрофидаги ресурсдаги 1,8 млрд.дан ортиқ юкланишларни кузатиб борди. Унга кўра, Chrome энг тезкор деб топилди. Битта интернет саҳифасини очишга Chrome 12 ўртача 3,433 сония, Chrome 11 — 3,7, Chrome 10 — 4 сония сарфлади. Иккинчи ўринда — Firefox (5-шаклида ўртача 3,9 сония), қолганлар: Safari 5 ўртача 4,5 сония, Internet Explorer 9 бундан сал кўпроқ вақтни веб-саҳифани очишга сарфлаши маълум бўлди. Браузерлар бозорида кам улушга эга, бироқ бизда оммалашган Opera браузерни негадир тадқиқотчилар назаридан четда қолди.



## ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 52-бандига асосан:

"УЛУГБЕК-КОМПЬЮТЕР СЕРВИС" хусусий корхонасининг (Урганч ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003569 рақамли;

"ОРОМ-МАКОН" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003597

рақамли лицензиялар 2011 йил 3 августдан бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан "HIGH-TECH INVEST" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш ва куриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003375 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2011 йил 3 августдан тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирла-

ри тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан "SERVARA-ALOQA-SERVIS" хусусий корхонасининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ:

- маҳаллий телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002186 рақамли;

- маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002642 рақамли;

- шаҳарларaro телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002187 рақамли;

- халқaro телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002188 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2011 йил 9 августдан тугатилди.



## АТ-хабарлар

➔ ICANN интернет-ташкilotи раҳбари Род Бекстром меҳнат шартномасини узайтирмаслигини маълум қилди. Эслатиб ўтамиз, Бекстромнинг меҳнат шартномаси 2012 йилнинг июл ойида ўз нийоҳисига етади.

➔ Google компанияси Motorolaнинг собиқ Motorola Mobility мобил қурилмалар бўлини масини сотиб олди. Битим қиймати \$12,5 млрд.га баҳоланган. Хариддан асосий мақсад Googleга қарашли Androidнинг мобил қурилмалар бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш эканлиги маълум қилинди.

➔ Юқоридаги савдо амалга ошиши билан Nokiaнинг акциялари 1,5 йил олдинги даражага кўтарилиб кетди. Хелсинкидаги аксарият инвесторлар энди навбат Nokiaга келиши мумкинлиги эҳтимоли ҳақида гапиришяпти.

➔ USB 3.0 Promoter Group ташкilotи USB интерфейси таъминот каналидан электрон қурилмаларни зарядлашда фойдаланишни кўзда тутувчи янги стандарт устида иш бошланганини маълум қилди. USB Power Delivery деб номланган мазкур стандарт USB 2.0 ва USB 3.0 портлари билан ишлайди ҳамда уланган қурилмаларни 100 Вт.гача қувватга эга электр токи билан таъминлайди.

➔ IBMнинг Яқин Шарқ ва Африка бўйича техник директори, 30 йил илгари дастлабки шахсий компьютер (IBM PC)ни яратишда қатнашган Марк Диннинг фикрича, шахсий компьютерлар ўз умрини яшаб бўлди. Яқинда Apple раҳбари Стив Жобс ҳам шунга ўхшаш гап қилиб, энди портатив қурилмалар асри бошланаётганини башорат қилганди. Ҳамма ҳам бу фикрга қўшилгани йўқ. Масалан, Microsoft ҳамон шахсий компьютерлар асосий восита бўлиб қолаверишини бот-бот такрорламакда.

➔ Жанубий корейлик 27 мингдан ортиқ истеъмолчи Apple компаниясини судга берди. Улар компаниядан 26 миллион доллар бадал пули талаб қилишяпти. Харид қилган iPhone смартфонлари яширин равишда уларнинг қаерда юрганини қайд этиб боргани ушбу норозиликка сабаб бўлган.

➔ Microsoft янги муҳофаза технологиялари бўйича танлов эълон қилди. Фойбга 200 минг доллар ваъда қилинган.

➔ Pew Internet & American Life Project ташкilotининг тадқиқотларида аниқланишича, жаҳон интернет аудиториясининг 92 фоизи кидирув тизимлари ва электрон почтадан фойдаланмоқда. 2010 йили веб-тармоқ фойдаланувчилари сони рамзий 2 миллиардлик доводдан ўтганди. Таққослаш учун: 2009 йил — 1,86 млрд. 2000 йил — 250 млн. фойдаланувчи. Ривожланаётган мамлакатларда интернетдан аҳолининг тахминан 21 фоизи, ривожланган мамлакатларда эса 71 фоизи фойдаланяпти.

➔ Россия таълим вазирлигида жаҳондаги энг кучли суперкомпьютерни яратиш масаласи қизгин муҳокама қилиняпти. Маълумотларга кўра, тезлиги 10 петафлопсгача етказилиши кўзда тутилаётган мазкур компьютер лойиҳаси қиймати 2,6-3 млрд. рублни ташкил этаркан.

➔ Hewlett-Packard компанияси ўзининг webOS амалиёт тизимини машиий техника ва автомобил ишлаб чиқарувчиларга ҳам тақдиф этишни бошлади. Эслатиб ўтамиз, мазкур тизим аслида Palm компаниясига тегишли бўлиб, ўтган йили компания билан қўшиб сотиб олинганди.



**“ЎЗБЕКISTON ПОЧТАСИ” ОАЖ  
САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ  
ЖАМОАСИ**

Хур ва обод юртимиз  
фуқароларини  
яқинлашаётган

1 сентябр —

Мустақиллик куни билан  
муборакбод этади.  
Хонадонингиз обод,  
дастурхонингиз  
тўкин бўлсин!



**Азизлар!**

Улуғ айём барчангизга муборак  
бўлсин! Буюк келажак қуришга  
бўлган олий ишонч, ёруғ ва устувор  
умид доимо қалбларимизда  
мавж уриб турсин.

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК

**ҚАШҚАДАРЁ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**



Бағрикенг халқимизни яқинлашаётган  
Мустақиллик байрами билан кутлаймиз.  
Илоҳим, тинчлигимизга кўз тегмасин.  
Ўзбекистон шўхрати  
янада юксалаверсин!

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК

**БУХОРО ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**



Сиз азиз ватандошларимизни  
яқинлашаётган Истиқлолимизнинг  
20 йиллик шодиёнаси билан  
муборакбод этамиз.  
Севимли ва жаннатмонанд  
юртимиз равнақ  
топаверсин!

**“АЛОҚАЛОЙИҲА” ДУК**  
ЖАМОАСИ

# Эзгу анъаналарга сайқал бериб...

Фаргона вилоят "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонаси директори Башоратхон Жалилова билан суҳбатимиз мустақиллик бахти, соҳа ривож, ёрқин орзу-умидлар ҳақида бўлди.



20

йил — синов йиллари элимизга берилган бахт-иқбол айна кунларда бор бўйи билан намоен бўлмоқда. Айниқса, мен қирқдан зиёд зиёратгоҳи бўлган Марғилон фарзанди сифатида Мустақиллик Нақадар азиз неъмат эканлигини илк йиллардаёқ юрак-юракдан ҳис этганман. Бурҳониддин Марғиёний зиёратгоҳи қад ростлаганда, миллий қадриятларимиз қайтганида, тўрт йил аввал шахримизнинг 2000 йиллиги муносабати билан Марғилон бутунлай ўзгача қиёфа касб этган кунларда қалбимни тўлдирган туйғуларни таърифлашга тилим ожизлик қилади. Бугунги мунаввар лаҳзаларда истиқлолни тараннум этган газета-журналларни тарқатишдек маънавийтни юксалтириш, онг-тафаккурни кучайтиришдек олижаноб иш билан машғул эканлигимиздан фахру ифтихордаман.

Ҳамма ҳам жамиятнинг қай жабҳасида фаолият юритмасин, мустақилликни мустаҳкамлашга, юрт фаровонлигига ўзимнинг муносиб улушимни қўшсам, халқимга нафим тегса, деб яшайди. Мен ҳам ана шу эзгу мақсад йўлида кўп йиллардан буён хизмат қилиб келяпман. Вазифамиз вилоят аҳолисининг Ўзбекистон вақтلى матбуотида бўлган эҳтиёжини қондириш, наشرларни чакана савдо дўконлари ҳамда тарқатувчилар орқали тарқатишни таъминлашдан иборат.

Компаниямиз томонидан берилётган топшириқ ва кўрсатмаларни ўз вақтида ва пухта бажаришга ҳаракат қиляпмиз. Беш нафар олий маълумотли ҳамда касб-хунар коллежларини тугатлаган ёшларни ишга қабул қилдик. Бутун диққатни ёш авлод салоҳиятини бунёдкорлик ишларига сафарбар этишга қаратганмиз. Маъмурий биномиз қуриб битказилиб, ходимлар қулай шарт-шароитлардан фойдаланиб, астойдил меҳнат қилмоқдалар, Кува бўлими учун

маъмурий бино сотиб олинди. Барча матбуот дўконлари ва ижарадаги бинолар қайта таъмирланди. Шаҳар ва туман ҳокимликлари руҳсати, аҳоли талаб-эҳтиёжларини инобатга олиб гавжум жойларга 147та "Матбуот" дўкони ўрнатилди. Шуниси қувончлики, энг азиз, энг улуғ байрамимизга тўғфа — 4та "Матбуот" дўкони қуриб фойдаланишга топширилди. Иккита замонавий дизайнли "Матбуот" дўконлари иш бошлагани, ўтган йили бешта автомашина, учта велосипед харид қилганимиз ҳам тилга олгулик ютуқларимиздандир.

Мухтасар қилиб айтганда, замон билан ҳамқадам ишлашга интилаётганимиз ўз меъасини бермоқда. "2011-2014 йилларда вақтли матбуот наشرларни тарқатиш тармоғини замонавийлаштириш ва хизматларнинг янги турларини жорий этиш" дастурини амалга ошириш юзасидан олиб борган ишларимиз ҳам эътиборга моликдир. Корхонамизда 10та компютер ишлаб турибди. Интернет орқали обуна ишлари йўлга қўйилган. Тўловлар 7та банк терминаллари орқали олиб борилаётганидан ("Алоқабанк"га яна 5та терминалга буюртма берганмиз), мобил алоқа телефонларига тўлов карталари ва халқаро сўзлашув карталари сотуви каби қўшимча хизматлардан аҳоли мамнун. Шу боис ишимизга барака кирмоқда, фаолиятимизда самарадорлик ошмоқда. Мақсалимиз устозларимиз йўлга қўйган яхши анъаналарни давом эттириш, сайқал бериш, халққа янада юксакроқ даражаларда хизмат кўрсатишдир.

Ҳа, Она Ўзбекистонимизнинг кутлуг тўйи ҳаётимизга файзу зийнат бағишлаб, кўнглимизни чексиз орзу-умидларга тўлдирётгани тентсиз саодатдир. Мен ҳамюртларимизни истиқлолнинг 20 йиллиги билан кутлаб, барчаларига бахт ва омад тилайман.

Ҳ.АСҚАРОВА ёзиб олади

Республикаимизнинг турли гўшаларида бўлиб ўтаётган тадбирлардан бири Андижон шаҳридаги 22-умумтаълим мактабида Андижон шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Маънавият ва маърифат маркази, шаҳар "Нуроний" жамғармаси, Андижон молия-иқтисодиёт коллежи, "Гулистон", "Бирлашган" МФЙ, 56-мактабгача таълим муассасаси ҳамда Бобур номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

## Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

Тадбирни шаҳар ҳокими ўринбосари Э.Қурбонов очиб, иштирокчиларни яқинлашиб келаётган тарихий сана — республикаимиз мустақиллигининг 20 йиллиги билан барчани муборакбод этди ва халқимиз яратиш ва бунёдкорлик йўлидан қатъий бораётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Андижон шаҳар Маънавият ва маърифат маркази раҳбари З.Хидирова сўзга чиқиб, она заминимизда дунё халқлари орасида ўзбек деган номнинг қатъий муҳрланиб қолишига хизмат қилган Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад ал-Фарғоний, аз-Замахшарий, Имом Бухорий, Ат-Термизий, Абу Али ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Жалолдин Мангуберди, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Нодира, Увайсий каби буюк аждодларнинг авлодлари эканлигимиздан фахрланиб, давлатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўишимиз даркорлиги ҳақида гапирди.

Тадбир давомида шаҳар "Нуроний" жамғармаси раиси Т.Раҳматжонов, "Гулистон", "Бирлашган" МФЙ раислари, 22-умумтаълим мактаби ҳамда 56-МТМ директорлари мустақиллик йилларида бажарилган эзгу ишлар, мустақиллигимиз, унинг халқимиз ҳаётидаги аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ахборот-кутубхона маркази директори ўринбосари Н.Азнабосева кутлуг айём билан барча иштирокчиларни кутлаб, байрам муносабати билан марказ томонидан таъсис этилган эсдалик совғаларини бир неча йиллардан бери АКМ билан ҳамкорлик қилиб келаётган "Гулистон", "Бирлашган" МФЙ ҳудудида истиқомат қиладиган энг фаол китобхона, ибратли онла вакилларига топширди.

АДУ қошидаги академик лицей, 22-умумтаълим мактаби ўқувчилари томонидан тайёрланган сахна кўринишлари, Ватанни, мустақилликни тараннум этувчи куй-қўшиқлар, шеърлар, спорт чиқишлари, АКМ ходимлари томонидан ташкил этилган "Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!" мавзусидаги кўргазма ҳамда 56-МТМ тарбияланувчилари томонидан мустақиллигимиз ютуқлари акс эттирилган расмлар, "Моҳир қўллар" тўрагаги қатнашчиларининг ижод намуналари тадбирга кўтаринкилик ва чирой бахш этди.

О.МАМАЖОНОВА,

Бобур номидаги Андижон вилояти АКМ 1-тоифали кутубхоначиси

## MEHNAT SHARTNOMASI — ISHONCH KAFOLATI

# Ижтимоий муҳофаза — бош мезон

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Навоий филиалида 2009-2011 йил учун жамоа шартномаси имзоланиб, иккала томондан ҳам унда кўрсатилган мажбуриятларга амал қилинмоқда. Жамоа шартномасининг "Иш берувчининг мажбуриятлари" бўлими 8та, касаба қўмитаси мажбуриятлари 9та банддан иборат бўлиб, барча бандлар бажарилмоқда.

Меҳнат шартномаси бўлими 8та банддан, иш вақти ва дам олиш вақти 13 банддан иборат бўлиб, бандларнинг ижроси босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Иш ҳақи, компенсациялар, қўшимча тўловлар, пул мукофотлари, пулли рағбатлантиришлар бўлими бўйича 16та банд қабул қилинган бўлиб, мазкур бўлим бандларининг бажарилиши рақамларда қуйидагича ифодаланади.

Жами ходимлар 554 нафар бўлиб, ўртача ойлик иш ҳақи 317500 сўмни ташкил қилди. 2011 йил 1-ярим йилликда

уларга тўланган иш ҳақи 1055489400 сўмни ташкил қилади. Бугунги кунга қадар иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик мавжуд эмас.

Филиал ходимларининг 343 нафарига тармоқда узоқ муддатли фаолияти учун 42768800 сўм миқдорда қўшимча тўлаб берилди. Шунингдек, меҳнатни муҳофаза этиш, меҳнат интизоми, ижтимоий имтиёзлар бўйича белгиланган мажбуриятлар ҳам тўлиқ адо этилди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Марказий кенгаш ташаббуси билан соҳа ходимларининг 14

ёшгача бўлган фарзандлари ўртасида спорт мусобақалари ўтказилди.

Шунингдек, "Ўзбектелеком" АК Навоий филиали жамоасида ҳам жамоа шартномасининг жорий йилнинг биринчи ярим йиллик якунларига бағишланган йиллиқ бўлиб ўтди. Шартномада кўзда тутилган ишчи-ходимларни ижтимоий муҳофазаси масаласи бу корхонада ҳам бош мақсад ва мезон эканлиги ҳар бир банднинг ижросида кўриниб турибди.

Маруся ҲОСИЛОВА,  
"Xabar"нинг Навоий вилоятидаги мухбири

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Нурота почта алоқаси тармоғи жамоаси обуна йўриқчиси Абдулло БОЗОРОВНИ 55 ёши билан кутлайди. Унга сиҳат-саломатлик, онлавий бахт-саодат, фарзандлари бахт-иқболлини кўришликни тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси Бувайда телекоммуникациялар боғламаси ходими Камолдин УСМОНОВНИ муборак 60 ёши, Бешариқ телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Носиржон ДЕҲҚОНОВНИ 55 ёши, Рингон телекоммуникациялар боғламаси ходими Рустамжон ЙҮЛДОШЕВНИ 55 ёши билан чин дилдан табриклайди. Уларга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар иқболлини кўришликни тилайди.

*Қадрли ватандошлар!*  
*Мустақилликнинг 20 йиллиги*  
*муборак бўлсин. Ўзбекистон бундан-да*  
*тараккуй этаверсин!*  
**“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК**  
**ХОРАЗМ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**



**“РЕСПУБЛИКА МАХСУС АЛОҚА**  
**БОҒЛАМАСИ” ДУК ЖАМОАСИ**

**Ўзбекистон халқини Мустақиллик**  
**байрами билан қутлайди.**  
**Қадрли ҳамюртлар!**  
**Шундай улуғ ва муборак кунда сизларга**  
**табрик йўллаётганимиздан мамнунмиз.**



**ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI**

**Истиқлолимизнинг 20 йиллик**  
**тантанаси барчангизга муборак бўлсин.**  
**Сизга соғлиқ-омонлик, хонадонларингизга**  
**хотиржамлик тилаймиз!**


**“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК**  
**ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ**  
**ЖАМОАСИ**



**ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI**

**Қадрли Ватандошлар!**  
**Байрамингиз муборак!**  
**Эрк ва озодлик байроғи бошимиз**  
**узра доимо ҳилпираб турсин!**

**“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОАЖ**  
**НАВОИЙ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**



**Р**еспубликамизда жорий йилнинг 13-14 август кунлари умумхалқ ҳашари бўлиб ўтди. Мустақиллигимизнинг 20 йиллик шодиёналари арафасида ўтказилган мазкур ҳашарда 16,5 миллион киши қатнашиб, 30 минг 700 гектардан зиёд майдонда ободонлаштириш ишлари олиб борилди, қарийб 24 минг километр узунликдаги ариқ-зовурлар ва лотоклар тозаланди, 15 миллион 800 тупдан зиёд дарахт оқланди ва уларга шакл берилди. Умумхалқ ҳашарида алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимлари ҳам фаол иштирок этишди.

## Шу азиз Ватан, барчамизники!

Яна саноқли кунлардан сўнг энг улуг, энг азиз байрамимиз — Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 20 йиллик тўйини катта шодиёна билан нишонлаймиз.

Бу қутлуг санага ҳозирлик барча жойлардаги каби филиалимизда ҳам аллақачон бошлаб юборилган. Жумладан, филиалимизда август ойи бошлан ҳар шанба ва якшанба кунлари ҳашар уюштирилди. Корхона ҳудуди чиқиндилардан тозаланди, корхона ичи ва ташқарисидаги керакли жойлар таъмирланди, дарахтлар оқланди.

Янги ўқув йили ва мустақиллик байрами муносабати билан 15 август кунини 1-синфга чикувчилар учун "Ассалом мактаб" байрам талбири бўлиб ўтди. Талбирда 15 нафар ходимимизнинг фарзандлари ва ота-оналари иштирок этдилар.

Талбирда, шунингдек, Ўзбекистон Ёшлар театри артистлари томонидан "Муз Коробоз" ("Масхарабоз") деб номланган театрлаштирилган сахна болажонлар иштирокида намоиш этилди. Қизикarli ўтган талбир сўнгиди портфел тўла ўқув анжомлари ҳамда ширинликлар тарқатилди, кўрсатилган бундай муносабатдан болажонлар жуда хурсанд бўлдилар.



— Бу каби талбирларни ўтказишдан мақсад, фарзандларимизда миллий-маънавий урф-одатларимизни қадрлаш, инсонпарварлик ва меҳр-мурувват кўрсатиш каби туйғуларни янада кучайтиришдан иборат, — дейди филиал касаба уюшмаси кўмитаси раиси Дилшод Усмонов.

Шунингдек, 16 август кунини мустақиллигимизнинг 20 йиллигига "Шу азиз Ватан, барчамизники!" шиори остида "Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!" мавзусида талбир бўлиб ўтди.

Талбирни Тошкент шаҳар ҳокимлиги маънавий тарғиботи бўлими лектори Ҳамид Ҳакимов олиб борди. Талбирда таъкидланганидек, ўтган 20 йил мобайнида халқимиз фикрлаши кескин ўзгариб, ягона миллат сифатида ўз иродасини намоён эта олиш қобилиятига эга бўлди.

Талбир кўтаринки руҳда ўтди ва тингловчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**Маҳмуда АРИПОВА,**  
"Бош коммунистия маркази" филиали ходими

## Юрт обод — кўнгиллар обод

Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма йиллик байрамини муносиб қутиб олиш, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик сингари миллий қадриятларимизни халқимиз орасида янада кучайтириш, бегараз ёрдам, меҳр-мурувват фазилатларини юксалтириш, аҳоли тураржойлари, корхона ва ташкилотлар ҳудудларини ободонлаштириш, санитария ҳолатини яхшилаш юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг асосий юмушига айланган.

Бу вазифаларни амалга ошириш мақсадида 13-14 август кунлари ўтказилган умумхалқ ҳашарида виллоят алоқа корхоналарининг жамоалари ҳам кенг қўламли ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларини амалга оширдилар. Шу кунини Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимидаги корхона ва ташкилотларнинг меҳнат жамоалари дарахтларни буташ, шакл бериш, ҳудудларни маиший чиқиндилардан тозалаш,

кексалар, ногиронлар, ёлғизлар, кам таъминланган оилалардан хабар олишдек эзгу ишларга қўл урдилар.

Умумхалқ ҳашарида, айниқса, "Ўзбектелеком" АК Қашқадарё, "ЎЗИ-Қарши", "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиаллари жамоалари шу кунини кенг қўламли тозалаш ва ободонлаштириш ишларини амалга оширдилар. Ўнлаб техникалар жалб этилиб, ҳудудлар ва бино-иншоотларда ҳашар ўтказилди.

Ҳашарида ҳашарида тушган маблағлар "Маҳалла" хайрия жамғармасига ўтказилиб, мамлакатимизда эълон қилинган "Кичик бизнес ва хусусий талбиркорлик йили Давлат дастури"да белгиланган талбирларни амалга оширишга сарфланади.

**Афтондил ИСМОИЛОВ,**  
"Хабар"нинг Қашқадарё виллоятидаги мухбири

## Алоқачилар умумхалқ ҳашарида

13-14 август кунлари бухороликлар кўнгилларидан бошланган ободлик шукуҳи виллоятнинг барча ҳудудларини қамраб олди. Шу жумладан, алоқа ходимлари ишлайдиган корхона, ташкилот ва бошқа муассасалар ҳудудларини ҳам. "Ўзбектелеком" АК, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ, ОАТ "Алоқабанк" Бухоро филиаллари, шунингдек, виллоят Давлат алоқа инспекцияси, "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонаси, Радиотелевидение узатиш маркази, "ЎзМобайл" филиали Бухоро боғламаси, Давлат фелдгерлик хизмати виллоят бўлинмаси, Махсус алоқа боғламаси, 5-Шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламаси ва бошқа корхона-ташкilotлар ишчи-хизматчилари иштирокидаги ушбу умумхалқ ҳашари доирасида маҳаллалар, аҳоли яшаш масканлари, кўп қаватли бинолар атрофлари, гузарлар ободонлаштирилиб, тозалик-ободончилик ишлари амалга оширилди. Дарахтларни оқлаш ва буташ ишлари бажарилди. Алоқа корхоналарида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган фахрийлар ҳолидан хабар олинди. Уларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга кўмаклашилди.

Алоқа корхоналарида меҳнат қилаётган ходимларнинг бир кунлик иш ҳақи миқдоридаги маблағлари "Маҳалла" хайрия жамғармасининг виллоят бўлими ҳамда туман ва шаҳарлар бўлинмаларининг банкдаги ҳисоб рақамларига ўтказилди.

Ҳашарда алоқа ходимларидан икки минг нафардан ортиқ киши фаол иштирок этди. Зотан, ободлик кўнгилдан бошланади. Эл-юрт маъмурчилиги, Ватан ободлиги йўлидаги ҳар қандай саъй-ҳаракатлар замирида эса ўз мустақиллигининг муборак 20 йиллигига пешвоз чиқаётган жондан азиз Ўзбекистонимизга том маънодаги садақат ва асл филойилик мужассам эканлиги ўз-ўзидан аён.

Эслатиб ўтамиз: Умумхалқ хайрия ҳашаридан тушган маблағлар "Кичик бизнес ва хусусий талбиркорлик йили Давлат дастури"да белгиланган вазифаларни амалга ошириш, кам таъминланган оилалар, ногирон ва ёлғиз кексаларни, иқтидорли, шунингдек, ногирон ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга моддий ҳамда маънавий ёрдам кўрсатиш, маҳаллалардаги болалар спорт майдончаларини жорий таъмирлаш, керакли спорт анжомлари билан жиҳозлаш, ўзини ўзи бошқариш идоралари моддий-техника базасини яхшилаш каби талбирларга сарфланади.

**Аскар ИСТАМОВ,**  
"Хабар"нинг Бухоро виллоятидаги мухбири

## Малака оширишмоқда

2011 йилда ахборот-кутубхона муассасаларини интеграллашган ахборот-кутубхоналар тармоғига улаш муносабати билан Хоразм виллоят АКМ ахборот технологиялари ва илмий-услубий бўлимларининг етакчи мутахассислари виллоятдаги ахборот-ресурс марказларига амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида малака ошириш ўқув дастурини ишлаб чиқишди.

Ургач шахри ва туманида жойлашган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг ахборот-ресурс марказларида ишлайётган ходимларга янги ахборот технологиялари, тўла маълумотлар базасини яратиш ва йиғма электрон каталогни шакллантириш, АРМнинг локал компютер тармоғи, АРМнинг веб-сайти, компютер вируслари ва уларга қарши антивирус дастурлари бўйича назарий ва амалий ўқув машғулотлари ўтказилди.

АКМ кутубхона иши бўйича директор ўринбосари Э.Ҳамидулло раислигидаги ҳайъат ҳар бир ўқув курси якунида олинган билимларни текшириш учун имтиҳон сновларини ўтказди.

**Д. РЎЗМЕТОВА,**  
Хоразм виллоят АКМ ахборот технологиялари бўлими мудури

### Ўтганларнинг охираати обод бўлсин


"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиали жамоаси почта алоқаси соҳасида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган фахрий алоқачи  
**Кенжа ЖУМАНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳам-лардлик билдилади.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ ҳамда "Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиаллари жамоалари "Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали бўлим бошлиғи Самад Бозоровга ўғли **Давлат БОЗОРОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Тошкент филиали жамоаси Янгийўл почта алоқаси тармоғи етакчи муҳандиси Мукаррам Тўраҳўжаевага онаси **Феруза ҚЎЧҚАРОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдилади.

## АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ ЖАМОАСИ

*Серқуёш юртимиз аҳолисини,  
жумладан, алоқа ва ахборотлаштириш  
тизими ходимларини яқинлашиб келаётган  
энг улғу, энг буюк байрамимиз —  
Истиқлолимизнинг 20 йиллиғи  
билан табриклайди.*



*Азизлар!  
Сизларни Мустақиллик  
куни билан муборакбод  
этамиз. Истиқлолимизни  
мустаҳкамлаш  
йўлида қўлни-қўлга  
бериб меҳнат  
қилаверайлик.  
Юртимиз тинч,  
осмонимиз бегубор бўлсин!*

**ЁШ ДАСТУРЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА  
ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ**

Сурхондарё радиотелевидение узатиш маркази мустақилликка қадар Қашқадарёдаги худди шундай тармоқ тасарруфида фаолият кўрсатган. Шу жиҳатдан уни истиқлолга тенгдош корхона дейиш мумкин.

Ботир Қурбонов бошлиқ жамоа мустақил меҳнат қилиш имкониятлари кенглигини тобора сеза бошлади. Бир йил муқаллам Учқизил радиотелевидение станцияси фойдаланишга топширилди. Янги станция мамлакатда ва Марказий Осиёда баландлиги жиҳатидан иккинчи ўринда турадиган телеминорага пайваста ҳолда бунёд этилган эди. Баландлиги 350 метрли минора сабаб биринчи марта 50 кВтли АТРС 50/5 ва 4кВтли "Дождь 6-2" русумли 4та узатиш ҳамда радио узатиш қурилмалари орқали вилоятнинг жанубий туманларини сифатли телевидение ва радиозиттириш билан таъминлаш йўлга қўйилди. Айни пайтда Жарқўрғон,

Вахшвор, Термиз радиотелевидение станциялари ва 31та кичик узатгич станциялари қуввати ошди.

Истиқлол берган имконият аҳил жамоани ҳам асрлар оша эришилган ҳурлик билан ҳамқадам бўлишга даъват этди, жаҳон андозалари даражасидаги янгиликлар яратиш ҳамда туб ўзгаришлар қилиш масаласи уларни хушёрлик ва фаолликка ундади. Японияликлар билан ҳамкорликда JVIC лойиҳаси асосида замонавий узатиш қурилмаси ўз вақтида ўрнатилди. Сўнгра бу иш хитойлик ҳамкорлар билан давом эттирилди. Бу орқали вилоят аҳолисига радиотелевидение узатиш билан боғлиқ амалий фаолият янада яхшиланди.

"Йўлдошли алоқа тизимлари орқали телерадиоэшиттиришни ташкил этиш" лойиҳаси эса вилоят тоғолди худудларидаги қишлоқларнинг турмуш фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этди. Ҳозир 86та қишлоқда кам қувватли узатгичлар ишлаб турибди. Бунинг эвазига аҳоли "Ўзбекистон" телерадиоканали кўрсатувлари ва эшиттиришларидан баҳраманд бўлмоқда.

Ўтган йигирма йил мобайнида истиқлол сабаб мустақил ишлаш имконига эга бўлган жамоанинг биринчи раҳбари Ботир Қурбонов меҳнат нафақасига кузатилди. Унинг ишини шогирдлари давом эттиришяпти. Бир муддат Мамадан Қур-

бонов раҳбарлик қилган бўлса, ҳозир жамоани Маматмусо Лолахонов бошқармоқда. Ҳамкасблар Олтибой Пардаев, Алимардон Зиёев, Абдурасул Анваров, Нуриддин Саторов, Чори Мирзаев, Шавкат Саидов, Баҳодир Бердиев каби кўп йиллик тажрибага эга фахрийлар бир сафда хизмат қилишаётганидан беҳад мамнун.

Бугун энг улғу, энг азиз байрам арафасида Сурхондарё радиотелевидение узатиш маркази жамоасининг ҳам қувончи чексиз. Улар бир йўла корхонанинг 20 йиллигини ҳам нишонлашмоқда. Ҳурлик билан ҳамқадам кечган давлар касбдошларга кўтаринки кайфият бахш этиш баробарида олдиндаги улғувор ишларга илҳомлантирмоқда.

**Тангир НАЗАРОВ,**  
Сурхондарё радиотелевидение узатиш маркази бўлим бошлиғи

## Ҳурлик билан ҳамқадам

# Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА  
АХБОРОТЛАШТИРИШ  
АГЕНТЛИГИБош муҳаррир:  
Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Ҳаким МУҲИТДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асдҷон ХҲЖАЕВ, Миродил САНГИЛОВ,  
Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувоп НАЖБИДДИНОВ,  
Рустам ҚОСИМОВ, Абдугани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),  
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.  
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланиши мумкин.  
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — ❶

Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас.  
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,  
Бувёдор шоҳқўчаси, 8-уй.  
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.  
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz  
Обуна индекси — 228.Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.  
Дизайнер: Аслиддин БҲРИЕВ.  
Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.  
Босишга топширилиш вақти — 20.00.Вилоят  
муҳбирлари:

|                        |                       |                        |                       |                      |                         |                      |                          |                       |                        |                       |                        |                      |
|------------------------|-----------------------|------------------------|-----------------------|----------------------|-------------------------|----------------------|--------------------------|-----------------------|------------------------|-----------------------|------------------------|----------------------|
| Андижонда<br>226-47-80 | Бухорода<br>223-27-85 | Гулистонда<br>40-12-19 | Жиззахда<br>226-06-34 | Навоида<br>225-91-10 | Наманганда<br>226-61-85 | Нукусда<br>554-35-45 | Самарқандда<br>233-61-81 | Термизда<br>224-06-12 | Тошкентда<br>288-40-66 | Урганчда<br>226-37-16 | Фарғонада<br>224-91-56 | Қаршида<br>314-08-99 |
|------------------------|-----------------------|------------------------|-----------------------|----------------------|-------------------------|----------------------|--------------------------|-----------------------|------------------------|-----------------------|------------------------|----------------------|